



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№7 (960)

2026 йил 10 февраль, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Алишер Навоий  
таваллудининг  
585 йиллигига

4



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### Кўп квартираларни уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, бошқариш органлари барқарорлигини таъминлаш ва тўлов интизомини яхшилаш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида қарор қилди:

#### I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг мақсади кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган 1 032 та кўп квартиралар уйлари энергия самарадорлигини ошириш;

(б) мажбурий бадал ва тўловлар (кейинги ўринда – мажбурий тўловлар) ҳамда умумий мол-мулкни ижарага беришдан тушган маблағлар ҳисоб-китобини тўлиқ шаффоф тизимга ўтказиш орқали дебитор қарздорликни камида 80 фоизга камайтириш;

(в) кўп квартиралар уйлари бошқариш соҳасида яширин иқтисодийни камайтириш, бюджет маблағларини ажратиш ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш орқали оғир ҳолатдаги 10 мингта уйлари босқичма-босқич яхшилаш;

(г) кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш.

### II. Кўп квартиралар уйлари таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларга туташ худудларни ободонлаштириш дастурларини молиялаштириш

2. Қуйидагилар:

(а) 2026-2030 йилларда халқаро молия институтларининг 200 млн АҚШ доллар миқдоридagi маблағлари ҳисобига марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган кўп квартиралар уйлари энергия самарадорлигини ошириш учун уларни мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш дастури 1-иловага мувофиқ;

(б) 2026-2027 йилларда шаҳар ва туманларда республика бюджетидан 1 трлн сўм маблағ ажратиш ҳисобига кўп квартиралар уйлари таъмирлаш ҳамда уларга туташ худудларда умумий фойдаланишдаги инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастури 2-иловага мувофиқ;

(в) 2026 йилда республика бюджетидан 79,5 млрд сўм маблағ ажратиш ҳисобига 1991 йилгача қурилган кўп квартиралар уйлари электорн паспортини ишлаб чиқиш бўйича режа кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

(г) 2026 йилда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан жами 1,8 трлн сўм маблағ ажратиш ҳисобига кўп квартиралар уйлари таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ худудларини ободонлаштириш бўйича йилма дастур 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2025 йилда бошқарувчилар томонидан кўп квартиралар уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш учун 5-иловага мувофиқ 282 млрд сўм маблағ йўналтирилганини инобатга олган ҳолда 2026 йилда кўп квартиралар уйлари таъмирлаш харажатларини молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича бошқарувчилар билан тенг улушларда маблағлар ажратилишини таъминласин.

4. Кўп квартиралар уйлари таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ худудларини ободонлаштириш йўналишида марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини саралаш, амалга ошириш ҳамда уларнинг натижадорлигини мониторинг қилиш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) лойиҳа тақлифлари, шу жумладан, мазкур қарорга 1-5-иловаларда назарда тутилган манбалардан маблағ ажратиш бўйича тақлифлар Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида муҳокама қилиниши ва фақатгина уларнинг қарори билан маъқуллангандан кейин амалга оширилиши шарт;

(б) шакллантирилган лойиҳа тақлифлари бўйича лойиҳаолди тадқиқотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, кўп квартиралар уйлари бошқарувчилари, лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда ҳар бир худуднинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилсин;

(в) ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати мунтазам равишда барча даражадаги вакиллик органлари депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг қилиб борилади.



▲ Янги Навоий шаҳарчаси да қурилиш ишлари авжига

## Навоий вилоятидаги бугунги бунёдкорликлар

### ёхуд улўғ шоирга авлодлар эҳтироми



Аброрхон БАХОДИРОВ,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш бўлими бош мутахассиси.



## Самара бераётган соҳа

Мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб кўп квартиралар уй-жойлар сони ошмоқда. Янги уйлар, замонавий массивлар кўпайиши баробарида, албатта, уларга хизмат кўрсатишнинг долзарблиги ҳам ортиб боради. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уй-жой фондини янгилаш борасидаги ислохотларнинг меваси сифатида бошқарув сервис компанияларини келтириш мумкин.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги йилларда соҳага доир бир қатор хужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2022 йил 4 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларини молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2023 йил 15 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ана шу тажрибанинг самарадорлигини амалиётда қўллаш мақсад қилинди. Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларини молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса соҳада тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш, соҳага кириб келган тадбиркорларга энгилликлар бериш, бу орқали уларни оёққа туриб олишларига шароит ва имкониятлар бериш вазифалари ўз самарасини берди.

Конунчилик хужжатлари такомиллаштирилгани сабаб 2025 йил якуни билан ҳулоса қилиб айтилган бўлса, бошқарув сервис компаниялари 2022 йилда ўртача 240 миллиард сўм тушумга эга бўлган бўлса, 2025 йил якунига келиб тушум 4 баробар кўп, яъни 1 триллион сўмни ташкил этган. 2022 йил 1 январь ҳолатига соҳада 6 мингта яқин ишчи-ҳодимлар хизмат кўрсатган бўлса, 2025 йил якунига кўра кўп қаватли уйлари бошқариш органларининг

моддий-техник базаси етарли эмасди. Эндиликда соҳага бозор муносабатларини олиб кириш орқали рақобат ривожланиб, натижада сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Яъни, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартиралар уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, мазкур хужжат билан мамлакатимизнинг танлаб олинган худудларида эксперимент ўтказиш белгилаб олинди. Унинг доирасида эски усулда бошқариладиган уйларга босқичма-босқич бозор муносабатларини қўллаш мақсад қилиб олинди. Бу ташаббус ўзининг амалий натижасини берди ва мулкдорларнинг қарздорликлари икки баробарга камайиб, бошқарув органларида хизмат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг ойлик иш ҳақи ошди. Бундан ташқари танланган худудларда 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Кейинги босқичда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 4 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларини молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ана шу тажрибанинг самарадорлигини амалиётда қўллаш мақсад қилинди. Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларини молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса соҳада тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш, соҳага кириб келган тадбиркорларга энгилликлар бериш, бу орқали уларни оёққа туриб олишларига шароит ва имкониятлар бериш вазифалари ўз самарасини берди.

Конунчилик хужжатлари такомиллаштирилгани сабаб 2025 йил якуни билан ҳулоса қилиб айтилган бўлса, бошқарув сервис компаниялари 2022 йилда ўртача 240 миллиард сўм тушумга эга бўлган бўлса, 2025 йил якунига келиб тушум 4 баробар кўп, яъни 1 триллион сўмни ташкил этган. 2022 йил 1 январь ҳолатига соҳада 6 мингта яқин ишчи-ҳодимлар хизмат кўрсатган бўлса, 2025 йил якунига кўра кўп қаватли уйлари бошқариш органларининг

## Самарқандда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда янгилик: "боди-камера", планшет ва очиқлик

Сўнгги йилларда ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларига замонавий ахборот технологиялари кириб келмоқда. Бу жараён уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Эндиликда мазкур йўналишда қулайлик ва шаффофликни ошириш мақсадида янги технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича аниқ ишлар бошлаб юборилди.

Сарвар БОБОНАЗАРОВ,  
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Ана шундай ишлардан бири Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ташаббуси билан вилоят прокуратураси масъуллари иштирокида ташкил этилган ўқув семинарида намойиш этилди. Унда туман, шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари масъуллари ҳамда вилоятдаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.



▲ Самарқандда уй-жой ва коммунал хизмат соҳаси ходимлари иштирокида ўтказилган семинар-трениндан лавҳа.

Семинар давомида Ургут тумани мисолида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тақдим этилди. Хусусан, бошқарув сервис компанияси ходимлари "боди-камера"лар, махсус планшетлар ва ишчи формалар билан таъминлангани, бажарилган ишлар бўйича аҳолига ўз вақтида ва босқичма-босқич ҳисобот бериб борилаётгани таъкидланди. Ушбу ёндашув орқали хизматлар сифати ошиб, энг муҳими, аҳолининг соҳага бўлган ишончи мустаҳкамланаётгани қайд этилди.

Эндиликда ходимларнинг иш жараёни "боди-камера"лар орқали 24 соат давомида қайд этилиб, тасвирлан тўғридан-тўғри бошқарув сервис компаниясига узатишмоқда. Бу эса, бажарилётган ишлар устидан доимий назоратни таъминлаб, масъулиятни янада кучайтирмоқда. Шунингдек, бажарилган барча ишлар планшетлар орқали электрон тизимга кириштирилиб, аҳолига ўз вақтида ва босқичма-босқич ҳисобот бериб бориляпти. Натижада "иш қилдим-қилмадим" деган гапларга ўрин қолма-япти, қўғозбозлик камайиб, хизматлар тезкор ва сифатли бажарилмоқда. Муҳими, бу тизим орқали очиқлик таъминланиб, аҳолининг уй-жой коммунал хизматларига бўлган ишончи тўбора мустаҳкамланмоқда.

Синов тартиқасида жорий этилган мазкур амалиётни келгусида вилоятдаги барча бошқарув сервис компанияларида йўлга қўйиш режалаштирилган.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

## 1 Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигининг 6-иловага мувофиқ:

(а) кўп квартиралли уй-жойлар мулкдорлари ширкатларининг худудий электр тармоқлари корхоналари олдиданги 94.6 млрд сўм миқдордаги мuddати ўтган қарздорлиги тўловларини 5 йил мuddатда шу мuddатдан кейинги 5 йил мобайнида ҳар ойда тенг улушларда сундириш шарти билан кечиктириши;

(б) ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун ҳисобланган 18.6 млрд сўм пеняларни ҳисобдан чиқариш йўли билан реструктуризация қилиш ва пеня ҳисоблашни тўхтатиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тегишли тижорат банклари билан биргаликда солиқ ширкатлардан бошқарувчи ташкилотларга ўтган кўп квартиралли уй-жойларни таъмирлаш учун жалб қилинган 1.2 трлн сўм миқдордаги кредитларни, фойзалар ҳисобланганини музлатиш шарти билан, қайтариш мuddатини 2026 йил 1 октябрдан бошлаб маҳаллий ҳокимликлар кафилиги асосида уч йилга узайтириш чораларини кўрсин.

## III. Кўп квартиралли уйлар атрофида экологияни яхшилаш ва яшил худудларни ташкил этиш чора-тадбирлари

7. Белгилансинки, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026-2027 йилларда ажратиладиган маблағларнинг камида 10 фоизгача қисми 15 марта қадар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан тасдиқланган алоҳида дастур асосида кўп квартиралли уйларнинг туташ худудига дарак ва буталар экиш ҳамда уларни сугориш тизими билан таъминлаш учун йўналтирилади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: (а) кўп квартиралли уйларнинг туташ худудидидаги барча дарак ва буталар бошқарувчилар томонидан хатловдан ўтказилиб, маълумотлар "Менинг уйим" ахборот биллинг тизими (кейинги ўринларда – "Менинг уйим" АБТ)да акс эттириб борилади;

(б) кўп квартиралли уйлардаги марказлашган ичимлик суви истеъмолчиларига дарак ва буталарни сугориш ишларини ҳисоблагичлар ўрнатган ҳолда сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширишга руҳбат берилади;

(в) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бошқарувчилар билан биргаликда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган дарак ва буталарнинг сақланиши ва бутлигига масъул ҳисобланади.

## IV. Рақамлаштириш ва ҳисоб-китобларнинг шафдофлигини таъминлаш

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) Тошкент шаҳрида кўп квартиралли уйларда умумий йиғилиш ўтказишни ташаббус қилиш, ўтказиш ва қарор қабул қилиш, шартномаларни тузиш, бошқарувчилар томонидан ҳисоботларни тақдим қилиш, мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш фақат "Менинг уйим" АБТда амалга оширилади. 2027 йилдан бошлаб мазкур тартиб республиканинг барча худудларига татбиқ этилади;

(б) мажбурий тўловлар ва кўп квартиралли уйларда умумий мол-мулкни ижарага ва фойдаланишга беришдан тўшадиган тўловлар ҳисоби фақат "Менинг уйим" АБТ орқали юритилади;

(в) мажбурий тўловлар фақатгина банк карталари, электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга оширилади;

(г) мажбурий тўловлар ҳамда умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига келиб тушган маблағларнинг алоҳида ҳисобини юритиш учун ҳар бир кўп квартиралли уйга (жой мулкдорлари номига) банк ҳисоб рақами очилади;

(д) фойдаланишга топширилган кўп квартиралли уйлар – 2026 йил 1 июлда қадар бошқарувчиларнинг мурожаатига асосан, келгусида фойдаланишга топширилган уйлар фойдаланишга қабул қилинган санадан бошлаб бир ой ичида қурувчи ташкилотнинг мурожаатига асосан ҳисобга қўйилади, солиқ тўловининг идентификация рақами берилади ва банк ҳисоб рақами очилади;

(ж) умумий йиғилишда бошқарувчинини танлаш тўғрисида қарорда кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамини ҳам бошқарува бериш назарда тутилади, мулкдорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан кўп квартиралли уйни бошқариш шартномасини бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечилганда ҳисоб рақамини бошқариш ҳам тўхтатилади;

(з) кўп квартиралли уйнинг умумий мол-мулкни, туташ ер участкаларини сақлашга, улардан фойдаланишга, таъмирлашга ва бошқа кўп квартиралли уйга доир ишларнинг йиллик режаси ва молиялаштириш бўйича сметаси оилар кесимида аниқ ишлар ва маблағлари кўрсатилган ҳолда умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади, ушбу масаладаги умумий йиғилиш қарори лойиҳаси ҳар йили январь ойида «Менинг уйим» АБТда шакллантирилади;

(и) умумий йиғилишда бошқариш усули тўғрисида қарор қабул қилинмаган ва бошқарувчи белгиланмаган, бошқарувчи билан тузилган шартнома бекор қилинган ёки тўхтатиб турилган ҳолларда кўп квартиралли уйлардаги мулкдорлар мажбурий тўловларни банк ҳисоб рақамига умумий йиғилиш қарори билан белгиланган миқдорларда, бундай қарор қабул қилинмаган тақдирда эса қонунчиликда белгиланган минимал тариф бўйича тўлаб бориш шарт;

(к) умумий мол-мулкни ижарага беришдан тўшма-лар, мобил алоқа учун антенналар ўрнатиш, реклама жойлаштириш ва бошқа шу каби умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига олинадиган даромадлар кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамига мажбурий тартибда йўналтирилади ва мулкдорларнинг даромади ҳисобланади;

(л) кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамидидаги маблағлар сметага мувофиқ ҳар ойда, биринчи навбатда, кўп квартиралли уйнинг электр энергияси харажатлари учун йўналтирилади, мулкдор кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳар ойнинг 15-санасигача мажбурий тўловларни амалга оширмаси, унинг қарздорлиги бартараф этилмагунча қадар электр энергияси учун тўловлари қабул қилинмайди.

(м) мулкдор кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳар ойнинг 15-санасига қадар мажбурий тўловларни амалга оширмаси, ҳар бир кечиктирилган кун учун "Менинг уйим" АБТда кечиктирилган тўлов суммасига нисбатан юридик шахслар учун 0.4 фоиз, жисмоний шахслар учун 0.1 фоиз миқдорда, бироқ ҳар ой учун кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланади, бунда ҳисобланган пеня бўйича тўловлар тенг улушларда кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳамда "Менинг уйим" АБТни сақлаш харажатларига йўналтирилади;

(н) бошқарувчи кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамидидаги маблағлардан фақат йиллик иш режа ва сметага мувофиқ жорий ойда ҳар бир турдаги харажатлар учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган суммаси доирасида фойдаланади (электр энергияси ва аварияни бартараф этиш учун харажатлар бундан мустасно), бунда қўшимча харажатлар учун маблағлар умумий йиғилиш қарори асосида ажратилади;

(о) авария ҳолатларини тезкор бартараф қилиш учун бир кўп квартиралли уйнинг маблағлари бошқарувчининг бошқарувида бўлган бошқа кўп квартиралли уйга "Менинг уйим" АБТ орқали мулкдорларга ҳисобот бериш шарти билан сарфланиши мумкин;

(п) бошқарувчи ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар, банк ҳисоб рақамидидаги даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни "Менинг уйим" АБТда шакллантириб боради;

(р) кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни ижарага бериш "Е-аукцион" электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади ва барча маблағлар (аукцион харажатлари бундан мустасно) тегишли кўп квартиралли уйнинг банк ҳисоб рақамига йўналтирилади.

## V. Кўп квартиралли уйлар инфратузилмасини муносиб тарзда сақлаш

10. Вазирлик 2026 йил 1 мартдан бошлаб кўп квартиралли уйларнинг техник кўрсаткичлари, ҳолати, туташ ер участкалари, электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви истеъмоли, инфратузилмасини яхшилаш учун ажратилган ва сарфланган маблағларнинг ҳисоб-китобини юритиш имконини беришни "Менинг уйим" АБТда "Тураржой" ахборот бўлимининг ишга тушириши.

11. Белгилансинки, 2026 йил 1 майдан бошлаб: (а) янги қуриладиган кўп квартиралли уйларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўп бир подьедага, лифтолар ва туташ худудга қузатув камералари, шунингдек, кириш эшикларига домофон комплекслари ўрнатиш назарда тутилади, бунда:

(и) ушбу объектлар лойиҳа ҳужжатларига киритилмаганда лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тақиқланади;

(и) мазкур мулклар умумий мол-мулк ҳисобланади ва улар сақлаш учун белгиланган тартибда бошқарувчига топширилади ҳамда тегишли маълумот "Менинг уйим" АБТнинг "Тураржой" ахборот бўлимига киритилади;

(к) қурилиш тугалланган кўп квартиралли уйни фойдаланишга қабул қилишда:

(и) белгиланган тартибда расмийлаштирилган кадастр паспорти "Менинг уйим" АБТнинг "Тураржой" ахборот бўлимида автоматик равишда акс этирилади;

(и) мазкур банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган бошқарувчига топшириладиган мол-мулклар ўрнатилмаган ҳолларда кўп квартиралли уйни фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади;

(к) кўп квартиралли уйлардаги марказий электр тақсимловчи қурилмалар худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан (ҳисобидан) эксплуатация қилинади;

(л) марказлашган оқова сув тармоқларига уланмаган кўп квартиралли уйларнинг оқова сувларини олиб чиқиб кетиш хизмати "Узсувтаъминот" АЖнинг тизим корхоналари томонидан режалар тарзда, истеъмолчилар билан шартнома асосида ёки хизмат тарби ичимлик суви тарифига қўшилган ҳолда амалга оширилади;

(д) 2026 йилда бошланган ва давом этадиган "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилишида кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатишга яхтисослашган алоҳида биноларни қуриш назарда тутилиши шарт ҳамда мазкур объектларни қуриш инвестиция дастурлари доирасида амалга ошириб борилади.

12. Белгилансинки: (а) кўп квартиралли уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан, кўп квартиралли уйларда ва уларга туташ ер участкаларида ўзбошимчилик билан иморатлар (иншоотлар) қуриш ҳолатлари бошқарувчи томонидан аниқланган ҳамда ҳолат тўғрисида назорат органларга хабар берилган тақдирда, мазкур ҳолатлар юзасидан қўлланган маъмурий жарима суммасининг йитирма беш фоизи бошқарувчига мукофот сифатида тўлаб берилади, бунда ушбу ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар "Менинг уйим" АБТга киритилади;

(б) кўп квартиралли уйнинг умумий истеъмоли учун сарфланган газ, электр энергияси ва ичимлик суви бўйича ҳисоб-китоблар кўп квартиралли уйларнинг умумий ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида ҳар бир кўп квартиралли уй бўйича алоҳида юритилади, муайян кўп квартиралли уй учун ҳисобланган қарздорлик сабабли ушбу уйга хизмат кўрсатуви бошқарувчига тегишли бошқа кўп квартиралли уйларни тармоқдан ўчириш тақиқланади;

(в) кўп квартиралли уйларни бошқарувчининг хизмат кўрсатиш қамровидан келиб чиқиб, тегишли моддий-техник база ва ҳодимлар сонини мезъорлари ишлаб чиқилади ва бошқарувчилар шунга асосан Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тоифаларга ажратилади;

(г) "Менинг уйим" АБТда бошқарувчиларнинг моддий-техника базаси ва инсон ресурслари ҳақидаги маълумотлар юритилади.

13. АТ "Халқ банк"нинг ушбу банкни кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини молиялаштиришга масъул этиб белгиланган тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

## VI. Кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш

14. Вазирликнинг худудларда коммунал соҳани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича "Вазирлик – худудий бошқарма – туман (шаҳар)" эксплуатация объекти занжиридан иборат вертикал тизимни жорий қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

## 15. Вазирликнинг худудий бўлиналари тузилмасига:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда уй-жой коммунал хўжалиги бўлиналаридаги бошқарув ҳодимларининг чекланган умумий сони доирасида "уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш ва эксплуатация ишларини мувофиқлаштириш бўйича бош муҳандис" (кейинги ўринларда – бош муҳандис) лавозими киритилсин;

(б) мавжуд штат бирликлари ҳамда 7-иловага мувофиқ бюджетдан молиялаштирилдиган қўшимча 89 та штат бирликлари ҳисобидан барча туман (шаҳар)ларда бош муҳандис лавозими киритилсин.

(в) Белгилансинки: (а) бош муҳандис штат бирликларига нисбатан давлат хизматчиларини қисқартириш бўйича топшириқлар татбиқ этилмайди;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бош муҳандислар – худудий бўлимага раҳбарининг ўрин-босарлари ҳисобланади ҳамда коммунал соҳага масъул бўлган вазир ўринбосарига тўғридан-тўғри бўйсунди;

(в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандислар Вазирлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан овоз қилинади;

(г) туман (шаҳар)ларда бош муҳандислар тўғридан-тўғри тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандисларга бўйсунди;

(д) туман (шаҳар)лардаги бош муҳандислар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, меҳнатига қўшимча ҳақ ва устамалар белгилаш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандислар томонидан амалга оширилади.

17. Вазирлик кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида тегишли давлат органлари ва вилоятлардаги мувофиқлаштириш ҳамда соҳада умумий назорат қилиш функцияларини бажарувчи ваколатли орган этиб белгилансин, бунда Вазирлик:

(а) тегишли худудда барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда корхоналарнинг уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштирилади;

(б) кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси устидан назоратни амалга оширади;

(в) белгиланган тартибда режалар ва заруратга кўра режадан ташқари ўрганишларни амалга оширади;

(г) ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишлари бартараф этиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатмалар беради ва (ёки) қонунбузилишлар юзасидан мансабдор шахсларни жазобгарликка тортиш бўйича тегишли органларга тақдимнома-лар киритади;

(д) соҳага масъул ҳоким ўринбосарларининг коммунал соҳадagi фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб боради.

18. Белгилансинки: (а) бош муҳандислар кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида аниқлаган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштириш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқига эга;

(б) "Менинг уйим" АБТда бир ой давомида "бошқарувчи фаолиятдан норозиман" тугмаси мулкдорлар умумий сонининг 50 фоиздан ортиги томонидан бошланган, бош муҳандис ушбу ҳолатни ўрганади ва бошқарувчига нисбатан қонунчиликда белгиланган чораларни кўради.

19. 2026 йил 1 мартдан бошлаб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан бошқарувчиларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштиришда тегишли бош муҳандис хабардор қилиш тартиби жорий этилсин.

20. Уй-жой коммунал хўжалиги бўлиналаридаги бошқарув ҳодимларининг чекланган умумий сони доирасида Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари – Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиги лавозими киритилсин. Унга мазкур қарорга мувофиқ бош муҳандисларга берилган барча ҳуқуқ ва ваколатлар тарбиқ этилсин.

## VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. 2026 йилда Компетенцияни ривожлантириш институти, Касбий кўникмалар маркази ҳамда Коммунал таъминот марказида кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасидаги кадрларнинг маълумоти оқибат ва қайта тайёрлаш режаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Қуйидагилар: (а) кўп квартиралли уйларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 9-иловага мувофиқ;

(б) "Менинг уйим" ахборот тизимини такомиллаштириш ва кўп квартиралли уйларни бошқариш жараёна-ларини рақамлаштириш бўйича "Йўл харитаси" 10-иловага мувофиқ;

(в) кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича Бош прокурор ўринбосари С. Самадов бошчилигида республика ва худудий ишчи гуруҳлар таркиби 11- ва 12-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 13-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.


24. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А. Ж. Раматов, Ж. А. Қўчқоров ҳамда қури-лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирини ўринбосари О. А. Жўраева белгилансин.

26. Қарор ижросини мувоҳама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри 2026 йил 5 февраль

Қарор иловалари билан қуйидаги QR-код орқали танишасиз



▼ "Янги Навоий шаҳарчаси"даги стелла қурилиши жараёнидан

# Навоий вилоятидаги бугунги бунёдкорликлар ёхуд улуғ шоирга авлодлар эҳтиром

## "Янги Навоий" шаҳарчаси аҳоли қувончига сабаб бўляпти

Янгилаётган давр ислохотларига кўра, вилоятда янада кўп-лаб соҳаларини ташкил этиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва янги турар жой массивларини барпо этиш бўйича ҳам аниқ ва-зифалар белгиланди.

Бунёдкорлик йўлидаги асосий лойиҳалардан саналган "Янги Навоий" шаҳарчасининг барпо этилиши билан танишиш мақсидида ушбу улкан қурилиш майдонига Президентини таъриф буюриб, нурунийлар ва зиёлилар билан суҳбатлашар экан, ислохотларнинг стратегик мақсадини қуйидагича баён этди: "Биз бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик. Аслида, битта рўзгорни тебратилиши ўзи бўлмайди. Худого шукур, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустақам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қурайлигимиз? Эшларимиз ўсиб келяпти. Улар ўзи турғилиш ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма худудларда шароит яратамиз!.."

## Замонавий микро-туманлар – барқарорлик тимсоли

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўтган 2025 йилнинг январь-август ойларида мамлакатимиз бўйича жами 188 527,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, шундан, Навоий вилоятига 7 877,1 миллиард сўм тўғри келади. Ушбу факт ва рақамлар 2024 йилнинг шу даврига нисбатан 96,6 фоиз ўсиш юз берганидан далолат. Шунингдек, асосий лойиҳалар орасида вилоятимиз худудида соҳаот зоналарининг кенгайиши ҳам эътибори мизини тортади. Шу давргача Ҳозгон шаҳри, Ну-рота, Хатирчи, Навбахор ва Учқудуқ туманлари-

да жами 8 та янги соҳаот зонаси ташкил этилди. Айнан шу лойиҳаларга асосан, уй-жой ва ижтимоий инфратузилма йўналишида вилоятимиз туманлари марказларида кўп қаватли уйлар қурилиши ва эски биноларни реконструкция қилиш бўйича мастер-планлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 35 гектар майдонда замонавий микро-туманлар барпо этилди, шу билан бир-га, йўллар, сув таъминоти ва канализация тар-моқлари янгиланди.

Дарҳақиқат, уй-жой сиёсати сўнгги йилларда урбан ривожланишнинг энг кўзга қўринган Ҳазирда ушбу лойиҳанинг 450 гектарига фаол қурилиш ишлари оlib бориляпти. Жумладан, вилоятда жами 4 734 та хонадон фойдаланишига топширилди, 2025 йилнинг ўзида эса 5 642 хонадонли 78 та уй-жой қуриб битказилди. "Янги Ўзбекистон" уй-жой массивларида эса 864 хона-донли 10 та кўп қаватли иморат фойдаланишга топширилган бўлиб, бу янги маҳаллалар шакллан-иши, аҳоли яшаш шароитларининг яхшиланиши ва шаҳар чегараларининг кенгайиши билан боғлиқ. Аҳоли яшаш шароитларининг яхшиланиши – бу инфратузилма (транспорт, коммуни-кация) ривожланиши, янги иш ўринларининг яратилиши, даромадлар ошиши, ижтимоий таъминотни кучайтириш ҳамда яшил худудларни қўпайтириш, экологик ҳолатни яхшилаш каби омилларни ўз ичига олади. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасини оширади ва минтақанинг инвестицион жозибадорлигини орттиради.

## "Янги Ўзбекистон" шаҳарчаси – ўзига хос мемориал асардир

Вилоятда амалга оширилаётган шаҳарсо-злик сиёсатининг энг йирик йўналиши – "Янги Навоий" шаҳарчаси лойиҳасидир. Жами 1 098 гектар майдонни қамраб олувчи мазкур лой-иҳа бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Ҳозирда ушбу лойиҳанинг 450 гектарига фаол қурилиш ишлари оlib бориляпти. Жумладан, жойлардаги 51 та турар жой биносида қури-лиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Шунинг-дек, Навоий давлат университетининг улкан янги кампуси бунёд этиляпти. "Янги Ўзбеки-стон" шаҳарчаси лойиҳаси эса ўзига хос мемо-риал асардир! Мазкур шаҳарчада нафақат ту-рар жойлар, балки савдо ва бизнес марказлари, сайилгоҳлар, боғлар, рекреацион худудлар ва ижтимоий хизматлар мажмуи барпо этилиши режалаштирилган. Бу улкан лойиҳа албатта, ке-лажакда Навоий шаҳрининг минтақавий, икти-содий, ижтимоий ва маданий марказ сифатида-ги ролини мустақамлашга хизмат қилади.

Биз фикр юритаётган мазкур шаҳарсозлик жараёнини кечаги кун билан таққослаганда, катта фарқ бор. албатта. Унинг катта фарқлардан бири – эндиликда экологик барқарорликка қа

# Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизими янги босқичда

Жорий йилнинг 14 январь куни Президентимиз кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш тизimini такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари 2026–2030 йилларда айрим шаҳар ва туманларда кўп квартиралли уй-жойларда кластер тизimini ҳуқуқий эксперимент сифатида жорий этиш таклифини илгари сурди. Соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.



▲ "Хоразм шинам уйлар" БСК ходимлари иш жараёнида

## Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларга Урганч шаҳри тажрибаси мисолида тўхталсак. Бугунги кунда Урганч шаҳридаги 842 та кўп квартиралли уйда 23,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уй-жойларга 13 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатади. Шаҳарда кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимида ўзгаришлар кутилмоқда. Эксперимент доирасида уйлар ҳолати таҳлил қилиниб, "ашил", "сарик" ва "қизил" тоифаларга ажратилди. Камидан 7 минг хонадонни қамраб олган лотлар шакллантирилиб, улар учун 5 йиллик ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади. Эндиликда бошқарув компаниялари учун минимал молиявий ва ташкилий талаблар белгиланади. Жумладан ўз маблағлари, зарур моддий-техник база ҳамда 24/7 ишловчи диспетчерлик хизмати мавжуд бўлиши мажбурий этиб белгиланади.

Урганч шаҳрида БСК тизimini янада такомиллаштириш бўйича режа асосида амалий ишлар бошланди, – деди Урганч шаҳар курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Музаффар Полвонов. – Шаҳардаги 13 та бошқарув сервис компаниясининг мавжуд ҳолати ўрганилиб, авария-диспетчерлик хизмати ва моддий-техник базага эга компаниялар билан алоҳида ишлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, аҳолига мунтазам равишда хисобот бериб бериляпти. Бундан ташқари, бошқарув сервис компаниялари фаолиятига қўшимча даромад манбаларини шакллантириш масаласига ҳам эътибор қаратилляпти. Жумладан, ертўлалар ижара шартномаси асо-

сида тадбиркорларга берилган. Ушбу йўналишда биллинг тизимига тегишли тарифларни киритиш бўйича вазифалар топширилди. Ҳар бир ертўланинг майдонидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар учун алоҳида тарифлар белгиляниб, тизимга киритилмоқда.

Хусусан, Урганч шаҳридаги "Нурли ҳаёт" МФЙда фаолият олиб бораётган "Хоразм шинам уйлари" бошқарув сервис компанияси 7 та маҳалладаги 5 мингдан ортиқ хонадонга эга бўлган 147 та уйга хизмат кўрсатади. Айнан ушбу бошқарув компаниясида кластер тизimini ҳуқуқий эксперимент сифатида жорий этиш борасида ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

– Бугунги кунда соҳа ривожини учун яратилаётган имкониятлардан мамнунмиз, – деди "Хоразм шинам уйлар" БСК раҳбари Гулнора Отажоновна. – Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида 8 та ширкат ягона бошқарув тизимига бирлаштирилди ҳамда қамров даражаси 67 фоиздан 95 фоизга етказилди. Хусусан, Урганч шаҳридаги "Қўнча қалъа" МФЙда жойлашган 40 та оғир даражадаги уй босқичма-босқич ўрта ва яхши ҳолатга келтирилди. Ўз инвестициямиз ҳисобидан уйларнинг ертўлаларини таъмирлаб, 3 минг квадрат метрдан ортиқ том қисмини янгиллади. Кириш йўлакларидagi эски темир эшиклар алмаштирилиб, қузутов камералари ва домофон тизимлари ўрнатилди. Бу ишлар ҳудуд ободлиги, мол-мулк дахлсизлиги ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти. Келгусида қўнча қалъа сервис хизматларини йўлга қўйиш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда туташ ҳудудларда енгил конструкцияли бинолар барпо этиб, аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатишни кенгайтиришни режалаштирляпмиз.



# Самара бераётган соҳа

➔ 1 Бошқарув органларининг моддий-техник базалари яхшиланиб, бинолар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда 300 дан ортиқ бошқарув сервис ташкилотларининг ўз бинолари бор.

Давлатимиз раҳбари кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш тизimini такомиллаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган таклифлар тақдиротида таъкидлаганидек, кейинги йилларда кўп қаватли уйлар ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, умумий мулкни таъмирлаш ва коммуникацияларни таъминлаш бўйича ижобий ишлар қилинди. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва даражаси кўлами ошди. 24/7 режимда диспетчерлик хизматлари, янги замонавий колл-марказлар аҳолидан тушаётган мурожаатларга тезкор жавоб бермоқда. Кейинги 5 йилда эришилган натижалардан яна бири бу соҳани рақамлаштириш.

Бугунги кунда соҳадagi жараёнларнинг 90 фоизи рақамлаштирилди. Хусусан, уй-жой бўйича мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоблари, аҳолининг мурожаатлари, диспетчерлик хизматлари рақамлаштирилган тизимга ўтказилди. Шунингдек, уйда қолиш, қабул қилиш ва топшириш билан боғлиқ жараёнлар рақамли платформаларда давлат хизматлари орқали амалга оширилиб, бу ҳам ўзининг амалий натижасини бермоқда. Рақамлаштириш орқали эришилган энг асосий натижалардан бири бу – соҳада инсон омилни камайтирилиб, коррупцион омиллар барҳам топмоқда.

Рақамли платформалар ҳам янада ривожлантирилиши натижасида аҳолига қулайликлар яратиш, маълумотлар олиш тизimini тезлаштириш, аҳоли мурожаатларини янада ҳам тезкор бартараф этиш асосий мақсад қилинган.

Соҳада долзарб вазифалар ҳали талайгина. Ободонлаштирилмаган ҳудудлар, болалар ва спорт майдончалари, йўлаклар ва бошқаларни инвентаризациядан ўтказиб, имконият ва қулайликларни яратиш ана шу вазифаларнинг бир бўлаги. Айтиш керакики, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида кўп қаватли уй-жойлар ҳудудларида болалар ва спорт майдончалари, йўлаклар, ирригация тармоқлари қуриб берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 44 мингдан зиёд кўп квартиралли уйларда 71 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларга 900 дан ортиқ бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан зиёд уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, 856 та уйда ўзини ўзи бошқариш тизimini жорий этилган.

ўзи бошқарувчи органлар, қолган 21 та уй идора ва ташкилотлар тасарруфида.

– Бугунги кунда биз 40 та кўп қаватли уйлардаги 2 500 дан ортиқ абонентга хизмат кўрсатамиз, – деди БСК директори Артём Бухтеев. – Компаниямиз барча зарур техника ва ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида келгусида қўшимча техника ва ускуналар харид қилиш, шунингдек компанияга қўшимча инвестициялар киритиш режалаштирилган. Диспетчерлик хизматимиз 24/7 режимида узлуксиз ишлаб, қабул қилинган мурожаатларда айтилган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чоралари қўрилади. Шу билан бирга, қўшимча хизматлар ҳам аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб кўрсатилади. Жумладан, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларини, хонадонларни тозалаш хизматлари таъриф доирасига қиради. Келгусида компаниямизда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бу орқали аҳолидан келиб тушаётган барча мурожаатлар нафақат диспетчер ва раҳбарият томонидан балки сунъий интеллект асосида ҳам назорат қилинади. Шунингдек, баҳор мавсумида кўкмазмозорлаштириш ишлари олиб борилиб, янги кўчатлар экилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда ҳудуд ободон ва яшил бўлса-да, қўшимча ишлар амалга оширилади.

Бошқарув сервис компанияларини мулкдорлар ширкатига рақобатчи дейиш ҳам мумкин. Муҳими, аҳоли ишончини оқлай олиш борасида аҳолининг мустақил танловини юзага келтирмоқда. Янгиҳаёт туманида 43 868 хонадонли 1 079 та кўп қаватли турар жойлар бўлиб, шундан, 1 018 та уйга 19 та сервис компанияси томонидан хизмат кўрсатилади. Бугунги кунда кўп қаватли уйлардаги барча умумий мулкча хусусан том қисмини таъмирлаш, кириш йўлакларини янгиллаш, иссиқлик қувурларини алмаштириш эшиклар ва ойна ромларини ўрнатиш фасад қисми ички муҳандислик ва коммуникация тармоқларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Сервис компаниялари фаолияти самардорлигини ошириш орқали хизматлар сифатини юксалтириш қўшимча сервис турларини жорий этиш долзарб аҳамиятга эга бугунги кунда айни компания тизимида қўшимча хизмат турлари тикувчилик ва сартарошхона йўлга қўйилган.

Бошқарув сервис компаниялари сифатли хизматлари билан одамлар ишончига кириб борапти. Асосийси, кўп қаватли уйлар ҳудудлари обод бўлиб, аҳоли мурожаатларига тезкор ечимлар топмоқда. Республикаимиздаги компаниялар фаолияти эндиликда тизимли ривожланиб, бундан кейин ҳудудларда барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар, хусусан, замонавий Янги Ўзбекистон массивларида ўз самарасини бериши шубҳасиз.



## Мавзуга қайтиб

# Мен нима дейману, қўбизим нима дейди?

## ёхуд хатоларни тан олиб, уларни бартараф этиш ҳам бир мардлик

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2026 йил 16 январдаги 1 (954)-сонида "Кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсуми қандай ўтляпти? Масъулар нега сукут сақламоқда?" сарлавҳали таҳлилий-танқидий мақола чоп этилганидан кўпчилик ўқувчиларнинг хабари бор. Унда жойлардаги кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсуми қандай ўтлягани, хусусан, Гулистон шаҳридаги айрим мавзёларда бу борада қўрилган тайёргарлик ва амалга оширилган ишлар, уй-жой мулкдорлари ҳамда маҳалла фаоллари фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратилган эди.

Мақола бирор буюртма ёки топшириқ асосида тайёрланмаган ҳамда унда келтирилган барча далил ва рақамлар аҳоли ва БСК масъулари маълумотларига асосланган. Хусусан, Гулистон шаҳри "Боғишамол" МФЙ 3-мавзёда жойлашган "Меҳр уй-жой мулкдорлари" БСК бошлиғи Дилором Жапасова, "Намуна" МФЙдаги "Файз-Азизбек" БСК раҳбари Гулнора Якубова, "Мустақиллик" БСК бошлиғи Шухрат Мансуров, "Мустақил коммунал хизмат-таъмир" БСК бошлиғи ҳамда "Fattoh-Farida hamkor sergiys" хусусий лойиҳа ташкилоти раҳбари

Абдуқодир Абдираззоқов, шунингдек, мазкур маҳаллалар фаоллари иштирокида кўп қаватли уйларнинг мавсумга қай даражада шайлиги ўрганилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва маълумотлари асосида тайёрланди.

Мақола чоп этилгач, унда келтирилган маълумот ва ҳолатларни ўрганиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора кўрилиши истагида таҳририят номидан вилоят ҳокимлигига хат юборилди. Бирок, Сирдарё вилояти ҳокимининг санаотни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А. Хидиров ҳамда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бош бошқармаси бошлиғи Д. Рўзमतов имзоси билан келган жавоб хатлари (айнан келтирилмоқда) мулоҳаза юритишга ундайди.

Очиги, жавоб хатларини ўқиб, хулоса чиқаришга шоммадик. Мақолада номлари келтирилган БСК раҳбарлари ва уй-жой мулкдорлари вакиллари, хусусан, Д. Жапасова, Г. Якубова, хусусий лойиҳа ташкилоти раҳбари А. Абдираззоқов ҳамда маҳалла фаоллари билан телефон орқали такрор гаплашиб чиқилди.

Маълум қилишларича, мақола чоп этилганидан кейин ҳам ҳеч бир ижобий ўзгариш рўй бермаган. Бирор масъул келиб вазият билан қизиқмаган, ҳолатини ўрганмаган. Афсуски, ёгингарчилик кунлар кўпайгани боис, баъзи уйлар атрофида лой ва қўлмақлар ҳосил бўлиб, шароит янада қийинлашган. Бунинг устига, ёгингарчилик кунлари 2-мавзе 11- ва 12-уйларидаги бир нечта хонадонлар тоmidан сурункали равишда чакка ўтмоқда...

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI**  
**HOKIMLIGI**

101206, Guliston sh. Ibtom Karimov k. 66-uy. Tel: (67) 225-33-51, 225-06-78, e-mail: sirdaryo@esat.uz

2026-йил 22-январь 4/4-890-сон

Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi boshqarmasi boshlig'i  
D.Ruzmatovga

"Yagona buyurtmachi xizmat" DUK direktori  
A.Buranovga

Nusxasi: "O'zbekiston Bunyodkori" nashriyot uyi MChJ bosh direktori  
D.Djalalov  
(Tashkent shahri Sheyxonovur tumani Navoiy ko'chasi 18-uy)

Sizga "O'zbekiston Bunyodkori" nashriyot uyi MChJning 2026-yil 16-yanvardagi 7-sonli murojaat xati "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi Qonunning 25-moddasiga asosan tegishilligi bo'yicha yuborilmoqda.

Mazkur murojaatni belgilangan tartibda muallif ishtirokida ko'rib chiqishingizni hamda natijasi yuzasidan belgilangan muddatda murojaat muallifiga ma'lum qilishingizni so'rayman.

Murojaat muallifiga ma'lumot uchun.  
Ilova: \_\_\_ varaqda.

Viloyat hokimining o'rinbosari  A. Xidirov

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI VAZIRLIGI**  
**SIRDARYO VILOYATI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI BOSHQARMASI**

120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Karimov ko'chasi, 66-uy. Fax: 67225-03-08, e. qurilish@mail.ru, s.guzan@esat.uz

2026 yil 29 yanvar. 01-16-06/276-son

"O'zbekiston bunyodkori" Nashriyot uyi  
Mas'uliyati cheklangan jamiyat Bosh muharriri  
D. Djalalovga

Sirdaryo viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi boshqarmasi "O'zbekiston bunyodkori" ijtimoiy-iqtisodiy gazetasining 2026 yil 16 yanvardagi sonida chop etilgan "Ko'p qavatlil uylarda kuz-qish mavsumi qanday o'tayapti? Mas'ullar nega sukut saqlamoqda?" sarlavha ostidagi maqola yuzasidan quyidagilarni ma'lum qiladi:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil 6 martdagi "Sirdaryo viloyatida ishlabarmonlik muhiti, infratuzilma va aholi turmush darajasini yanada yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-93-sonli qarori asosida Guliston shahirining 6 ta mahallasi (Bo'ston, Istiqloq, Bog'ishamol, Obod yurt, Namuna va Sayqal) da joylashgan ko'p qavatlil uylarning fasad qismini bazali qoplamasi bilan qoplash, uylarning top qismini mukammal ta'mirlash, yo'taklarni beton qoplamasi qilib ishlari rejalashtirilgan bo'lib, ushbu ish turlarini bajarish uchun viloyat "Yagona buyurtmachi xizmat" DUK tomonidan pudrat tashkilotlari tanlab olingan va ularga ko'p qavatlil uylar birkutib berilgan. Mazkur qarorga muvofiq ta'mirlash ishlari amalga oshirish 2025-2026 yillar davomida boshqichma-boshqich bajarilishi ko'zda tutilgan. Ayrim obyektlarda qurilish-ta'mirlash ishlari to'liq yakunlanmagan bo'lishi loyihaga yechimlariga aniqlik kiritish, texnologik ketma-ketlik va ob-havo sharoiti bilan bog'liq bo'lgan. Bugungi kunda ko'p qavatlil uylarda ta'mirlash ishlari davom etayotganligini ma'lum qilamiz.

Sirdaryo viloyati hokimligi huzuridagi viloyat "Yagona buyurtmachi xizmat" davlat muassasining 2026 yil 27 yanvardagi 03/03-150-soli ma'lumoti ilova qilinadi.

Boshqarma boshlig'i  D. Ruzmatov

Бирок, ҳокимлик ва мутасадди идорадан келган жавоблар одамни таажубга солади. Бирор аниқ жавоб топшиш мушкул бўлган бу хатлар мазкур идораларда мурожаатларга бўлган муносабатни ҳам акс эттиради, ўз навбатида. Хатлардан мазкур манзилларда амалга оширилган ёки оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида тишга босгулик бирор маълумот топол-

мадик. Назаримизда бу "мурожаатни ижродан ечиш" юзасидан юборилган жавобдан ўзга нарса эмас.

Давлатимиз раҳбари маҳалла жамият таянчи экани, бугунги ислохотларнинг самараси, энг аввало, маҳаллаларда акс этиши зарурлигини таъкидлаётган бир дамда Сирдарёдаги маъсуллар нега муаммога чап эришга уринмоқда?!

Истардикки, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бош бошқармаси ва бошқа масъул ташкилотлар мақолада сўз юритилган манзилларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиб, уларнинг тезкор бартараф этиш чораларини қидириб кўрадилар.

Таҳририят ушбу мавзуга яна қайтати.

## Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига

# Ҳирот ва Хуросоннинг буюк меъмори



Алишер Навоий номи кўпинча улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби сифатида тилга олинади. Аммо унинг тарихий сиймосида яна бир муҳим ва кўп ҳолларда етарлича ёритилмайдиган бунёдкор, меъмор ва шаҳарсоз сифатидаги фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хусусан, Навоий Ҳиротда вазири лавозимда фаолият юритган йилларида мансаб, бойлик ёки шон-шухрат кетидан қувмай, ўзининг бутун билим ва имкониятларини халқ фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ҳамда маърифатни юксалтиришга сафарбар эди. У кўплаб масжид, мадраса, кўприк, рабат, ҳаммом ва шиғохонлар қурилишига бош-қош бўлиб, шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Бу иш-шўнгалар нафақат эстетик жиҳатдан, балки ижтимоий эҳтиёжларни қондириш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этган.

### Меъморчиликда Навоий тажрибаси

Бугунги кунда меъморчилик ва шаҳарсозликда "инсон учун қулай муҳит", "ижтимоий инфратузилма" ҳамда "барқарор ривожланиш" каби тушунчалар устувор тамойил сифатида қаралмоқда. Аслида, бу гоялар илдири аянча чуқур бўлиб, XV асрадаёқ Алишер Навоий фаолиятида яққол намоён бўлган. Тарихчи Хондамир келтирилган маълумотларга кўра, Навоий ташаббуси ва ҳомилиги остида 52 та рабат, 18 та масжид, 3 та мадраса, 16 та кўприк, 19 та ҳовуз, 9 та ҳаммом ҳамда яна кўплаб ижтимоий аҳамиятга эга иш-шўнгалар барпо этилган. Бу рақамларнинг ўзиёқ унинг бунёдкорлик фаолияти тасодифий эмас, балки пухта уйланган ва тизимли характерга эга бўлганини кўрсатади.

Айниқса, рабатлар ўша давр шароитида бугунги йўлбўйи сервис мажмуалари ёки логистика инфратузилмасига тенг келадиган муҳим масканлар вази-фасини бажарган. Уларда сав-

догар ва мусофирлар учун меҳмонхона, ибодат қилиш учун жойлар, ичимлик суви манбалари ҳамда юк ҳайвонлари учун махсус ҳовлилар мавжуд бўлган. Бу иш-шўнгалар узоқ масофаларни босиб ўтувчи қарвонлар учун нафақат дам олиш маскани, балки хавфсизлик ва қўлайликни ҳам таъминлаган. Мазкур ҳолат Алишер Навоийнинг меъморий қарашлари фақат ташқи кўркамлик ёки ҳашамат билан чекланмаганини, балки у ҳар бир объектни аниқ функционал вази-фа ва ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқиб лойиҳаланини тасдиқлайди.

### "Қўш услуб" – замонавий урбанизм илдишлари

Навоийнинг Инжил канали бўйида барпо этилган Икхосия мадрасаси ва унга рўпара жойлашган Халосия хонақоси Урта Осиё шаҳарсозлигида "қўш услуб" номи билан машҳур бўлган меъморий ечимнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Мазкур услуб биноларни бир-бирига рўпара тарзда жойлаштириш орқали улар орасида очик майдон ёки кўча шакллантиришни назарда тутди. Бундай макон нафақат ҳаракат ва мулоқот учун қўлай ҳудуд вази-фасини бажарган, балки шаҳар тузилишида мувозанат ва композицион яхлитликни таъминлаган.

Бугунги кунда замонавий шаҳарсозликда кенг қўлланилаётган жамоат майдонлари, пиёдалар ҳудуди, шунингдек, микроклим яратиш гоялари айнан шу тамойилга асосланади. Навоий ушбу меъморий ечим орқали Ҳиротнинг табиий-иклим шароитларини пухта ҳисобга олиб, кун давомида соя тушадиган, шамол яхши айланадиган, инсон учун қўлай ва осойишта муҳит яратишга муваффақ бўлган. Бу ҳолат унинг шаҳар маконини фақат бино қуриш орқали эмас, балки инсон ҳаёти ва кундалик эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур қилганини кўрсатади. Шу боис, уни нафақат буюк шоир ёки давлат арбоби сифатида, балки ўз даврдан илгарилар кетган, илгор урбанистик тафаккур эгаси – етуқ меъмор сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Ҳозирги замон меъморчилиги фақат бино ва иш-шўнгалар барпо этиш билан чекланмай, балки муҳандислик ечимлари, ирригация тизимлари ҳамда экологик мувозанатни таъминлаш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бу ёндашувнинг тарихий илдишларини Навоий фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. У Машҳад, Ҳирот ва Хуросоннинг бошқа ҳудудларида ариқ, кўприк, сардоба, ҳовуз ва яхдонлар қуририб, сув таъминоти, санитария ва умумий ободончилик ишла-



▼ Қисим Шайх масжиди.



▼ Ҳиротдаги жоме масжиди.

рига алоҳида эътибор қаратган. Ушбу иш-шўнгалар шаҳар ва қишлоқлар ҳаётий фаолиятини барқарор таъминлашда муҳим рол уйнаган.

Мазкур жиҳатдан Навоий олиб борган бунёдкорлик ишлари бугунги кунда илгари сурилётган "яшил шаҳар" ва барқарор ривожланиш концепциялари билан ҳам мазмунан уйғунлашади. У сув ресурсларини оқилона бошқаришни мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини муҳим асоси, деб билган. Шу билан бирга, муҳандис ва бинокорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижодий изланишлари ва янги конструктив ечимлар ишлаб чиқишига шароит яратган. Натижанда Алишер Навоий меъморчилик ва шаҳарсозликни табиат билан уйғун ҳолда ривожлантириш гоясини ўз давридаёқ амалиётга тағбиқ этган ноёб тарихий шахс сифатида намоён бўлган.

### Меросни асраш ва реставрация маданияти

Замонавий меъморчиликда тарихий обидаларни асраш, уларни илмий асосда реставрация қилиш ва келажак авлодларга етказиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада Алишер Навоий фаолиятини ушбу ёндашувларнинг амалий илдири сифатида баҳолаш мумкин. У фақат янги иш-шўнгалар бунёд этиш билан қиёқланмай, балки Ҳиротдаги жоме масжиди, Машҳаддаги Гавҳаршод масжиди, Қобус миносари, Арслонжозоба рабати каби кўплаб тарихий обидаларни таъмирлатиб, уларнинг меъморий яхлитлиги ва функционал аҳамиятини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратган. Бу орқали Навоий мазкур иш-шўнгаларнинг умрини узайтириб, уларни жамият ҳаётида фаол фойдаланиладиган маскан сифатида сақлаб қолган. Мазкур ишлар бугунги кунда маданий меросни муҳофиза қилиш ва реставрация қилиш тамойилларига тўла мос келади.

## Хавфсиз ва обод маҳалла қурамиз

Февраль ойи юртимизда "Фавқулодда вазиятлардан холи маҳалла ойлиги" деб эълон қилинган. Айни пайтда ойлик доирасида Тошкент шаҳар ФВББ ШСПБ ходимлари томонидан пойтахтимизда барпо этилаётган кўп қаватли турар жой бинолари ва бошқа объектларда хавфсизлик талабларига қай даражада риоя қилинаётгани доимий равишда ўрганилмоқда.

**Жаҳонгир ИСТАМОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВББ ШСПБ инспектори, капитан.

Жумладан, Чилонзор тумани, "2-Чарх Камолон" МФЙ ҳудудида ҳозирда қурилиш ишлари давом этаётган бир қатор яқна тартибдаги иш-шўнгалар ҳамда Шарк тонги кўчасида "Shaq-qamolon" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари маҳалла раиси иштирокида ўрганилди. Урганишлар давомида ишчи-ҳодимларга биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш, табиий газда ишловчи иситиш воситаларининг хавфсиз жойлашуви

ҳамда эвакуация йўлларининг хавфсизлигини янада ошириш бўйича Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси Шаҳарсозлик соҳасида профилактика бўлими ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, Чилонзор тумани, Тирсақ-обод кўчасида "BM Group-Construction" МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жой биноси, шу туманнинг Гавҳар кўчасида "Стройпроект групп" МЧЖ томонидан қурилаётган университет биноси, Учтепа тумани, Кўкча дарвоза кўчасида "Mshyu Building" МЧЖ томонидан, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчасида "Хон сарой" МЧЖ томонидан, Юнусобод тумани, Ниёзов 3-тор кўчасида "Челикер групп ТМЖ" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой объектлари ҳам ана шундай тарғибот тадбирлари ўтақилиди.

Тадбирлар давомида қурувчи ва ишчиларга қурилиш объектида ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш бўйича йўриқномалар тарқатилди. Шунингдек, объект ҳудудида вақтинчалик электр сим ва кабелларнинг ҳимоя қобилиги шикастланиши, қўлбола уланishi воситаларидан фойдаланмаслик, оловли ишларни объект раҳбари ёки масъул шахс назоратида амалга ошириш, иш вақтидан сўнг ишчи-ҳодимларнинг объект ҳудудида тунаб қолишига йўл қўймалик каби вазиятлар бўйича 131 бандли тавсиянома ишлаб чиқилиб, қурилиш ташкилотига раҳбарларига юборилди.

Буларнинг барчаси хавфсиз ва обод маҳалла қуришимизда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.



▲ Тошкент шаҳар ФВББ ШСПБ ходимлари томонидан пойтахтимизда барпо этилаётган объектларда хавфсизлик талабларига қай даражада риоя қилинаётгани ўрганилмоқда

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta  
**O'zbekiston bunyodkori**  
Строитель Узбекистана

**Тахрир ҳайъати:**  
Шерзод Хидоятгов (Тахрир ҳайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Эмрўровдов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева  
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов  
Мусахҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Узбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**"Узбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Узбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, "УзГАНШЛИТИ" МЧЖ, "Узшаҳарсозилити" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвст" ИК МЧЖ, "УзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюрогма – Г. 241. 1181 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган рўйхатлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – 21.35 Топширилди – 22.30.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 10-12 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Узбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Мирсаид Мирсобиров**, Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича инженер **Робияжон Ҳабибуллоева**, Узбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати бош мутахассиси **Бобур Эгамназаров**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси **Хайрулло Худайбергенов**, "Qutlilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" лойиҳа қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими бош мутахассиси **Достон Раҳматов**, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Мувофиқликни баҳолаш бошқармаси мутахассиси **Ҳожнакбар Раҳимов**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Владимир Вожаков**, "O'zog'irsanoatloyiha" АЖ АСС-1 инженери **Аъзам Абдужабборов**, архитектор **Саида Курбонова**, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сарвар Каримов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иш-шўнгаларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Самад Ғиёсов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Султонбек Ҳайдаров**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Шохрўз Нуруллаев**, Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қи-

лиш инспекцияси девонхона бош мутахассиси **Садриддин Қўчқоров**, "Иссиқликтаъминоти" АЖ Стратегик режалаштириш, методология ва ахборот-тахлил бўлими бошлиғи **Улугбек Фарҳодов**, Қорақалпоғистон Республикаси "Тахиятош иссиқлик тармоқлари" филиали чилангари **Рашид Амиров**, Учқудуқ филиали СКТ аппаратчиси **Лариса Гаврилова**, Зарафшон филиали қозонхона оператори **Юлдуз Дўстмаматова**, Ангрэн шаҳар филиали махсус автолов ҳайдовчиси **Қамолддин Исмоилов**, Электр жиҳозларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр **Жамшид Абдуқодиров**, IT хизмат кўрсатиш чилангари **Фахриддин Сотиболдиев**, қоровул **Мухаммад Шуқуров**, Чирчиқ шаҳар филиали МТТ бошлиғи **Умид Ражапов**, Х/Т диспетчери **Нозима Арипова**, Нур /оператори **Абдулазиз Азимов**, Авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Дониёр Жўраев**, Тошкент тумани филиали бошлиғи **Вихид Саидов**, Қирғай тумани филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар

**Рустам Норматов**, Наманган филиали электрогаз пайвандчиси **Бобур Эломов**, Қашқадарё филиали 8-митти туман локал қозонхонаси қоровули **Илиёс Раҳматов**, Фарғона филиали назоратчиси Светлана Мардиева, Хоразм филиали Хонқа тумани бўлими қоровули **Жуманияз Аллаберганов**, Ҳазорасп тумани бўлими қоровули **Вахтиёр Сағимовлар**, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Аваухон obod group" БСК МЧЖ раҳбари **Сағитров Икромжон**, Жиззах вилояти Фориш тумани "Қамол сайёд сервис" БСК МЧЖ раҳбари **Найим Камолов**, Гулистон шаҳар "Муствақиллик коммунал хизмат" БСК МЧЖ раҳбари **Шухрат Мансуров**, Олмалик шаҳар "Gold servis" БСК МЧЖ раҳбари **Дилшод Худайбергенов** таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этилди.

**Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**